



Носир ҚАМБАРОВ
доцент
филология фанлари номзоди
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

ТАРЖИМА ТРАНСФОРМАЦИЯЛАРИ ВА ТИЛ КОНТАКТЛАРИ (назарий масалалар)

Мақолада таржима трансформацияларининг турлари таржима муносабати билан контактга кирган тил хусусиятларига (тилнинг қариндош ёки қариндош эмаслигига, ўхшаш ва фарқ қилувчи, яъни типологик жиҳатларга) бевосита боғлиқлиги, трансформацияларнинг кўп ёки кам ишлатилиши сўз тартибини яқинлиги, сўз маъноларининг бир-бирига яқинлиги ва бир қатор бошқа лингвистик ва экстралингвистик омилларга боғлиқлиги ҳақида баҳс юритилади.

В статье обсуждаются проблемы использования переводческих трансформаций, их виды, особенности языковых контактов (зависимость использования трансформаций от степени их родства или не родства языков, общих и отличительных типологических черт), использования количества переводческих трансформаций, порядка слов, общность в значении слов и зависимость их от ряда лингвистических и экстралингвистических факторов.

The article discusses the problems of using translation transformations and dependence of using them on the language contact (their relatedness, similarities and differences), closeness of word order, meaning of the words on a number of linguistic and extra linguistic factors.

Калит сўзлар: тил контактлари, таржима трансформациялари, қариндош тиллар, ўхшашлик, фарқ қилувчи жиҳатлар, типологик жиҳатлар, лингвистик омил, экстралингвистик омил, таржимон маҳорати.

Ключевые слова: языковые контакты, переводческие трансформации, родственные языки, различительные особенности, типологические особенности, лингвистический фактор, экстралингвистический фактор, мастерство перевода.

Key words: language contacts, translation transformations, related languages, similarities, differences, typological features, linguistic factor, non-linguistic (extralinguistic) factor, translator's mastery.

Таржима жараёнида трансформациялардан фойдаланиш тилларнинг типологик жиҳатдан бир-бирига яқин ёки узоқлиги – уларнинг қариндош ёки қариндош эмаслик даражасига боғлиқ. Таржима трансформацияларининг қайси турини қўллашни таржимон белгилайди. Бироқ таржимоннинг ўзи мен мана шу муайян таржима трансформациясидан фойдаланаман, деган фикрда бўлмайди. У таржима трансформацияларини интуитив ҳолда, ўз тажрибасига асосланиб танлайди. Назарий жиҳатдан олганда, таржима трансформацияларини алоҳида таҳлил этиш мумкин. Амалий жиҳатдан, аксарият ҳолларда, таржима трансформациялари аралаш ҳолда келади. Соф ва муайян трансформация конструкциялари, таржима қилиб бўлмайдиган сўзларни талқин этишда, хос сўзларни таржима қилишда ҳамда услубий жиҳатдан экспрессив хусусиятга эга бўлган стилистик усулларни таржима қилишда кенг қўлланилади. Таржима трансформацияларини ўринли ва самарали қўллаш фақат тажрибали ҳамда моҳир таржимонларга хос хусусиятдир. Бу – ёш таржимонлар бундай имкониятга эга эмас, дегани эмас.

Таржима трансформациясининг турлари таржима муносабати билан контактга кирган икки тил (аслият ва таржима)нинг типологик, стилистик, лингвостилистик, прагматик, лингвопрагматик, лингвокультурологик, социолингвистик ҳамда лингвотекстологик хусусиятларидан келиб чиқиб танланади.

Герман тиллари оиласига мансуб инглиз тили жаҳон тиллари ичида сўзга энг бой тиллардан ҳисобланади. Жаҳоннинг бешта йирик мамлакати Буюк Британия, АҚШ, Канада, Австралия ва Янги Зеландиянинг давлат тили ҳисобланади. Мазкур мамлакатнинг аксарият аҳолиси инглиз тилида сўзлашади. Инглиз тилидаги сўз миқдори олимларнинг фикрича, ҳозирги кунда 1 494 010 тани ташкил этар экан. Таснифга кўра, бу тил флектив тиллар сирасига киради.

Маълумки, ўзбек тилида Ўзбекистонда, Афғонистонда, Қозоғистонда, Тожикистонда, Қирғизстонда, Туркияда жами 30 миллионга яқин аҳоли сўзлашади. Унинг сўз бойлиги турли манбаларда турлича кўрсатилишига қараганда, 120 мингдан 220 минггача сўзни ташкил этади. Ўзбек тили типологик хусусиятига кўра, агглютинатив тил ҳисобланади.

Флектив турдаги тилда ёзилган матнларни агглютинатив турдаги матнга айлантириш учун, бу ерда айлантириш деганда таржима қилиш тушунилади, бир қатор таржима трансформацияларидан фойдаланишга тўғри келади.

Биринчидан, контактга кирган тилларнинг сўз бойлиги бир-бирига миқдор жиҳатидан тўғри келмайди, иккинчидан сўз бирималар ҳосил қилиш валентлиги, олдиндан айтиш мумкинки, бир-биридан фарқ қилади. Тилларнинг, грамматик жиҳатдан олиб қаралганда, икки тилдаги сўз таркиби ва сўз туркумлари бир-бирига тўғри келмайди. Бундан ташқари, сўзларнинг ўз ва кўчма маъноси, бўёқдорликка эга сўзлар ҳамда хос сўзлар (миллий сўзлар, реалийлар) ҳам икки тилда фарқ қилади. Мана шу санаб ўтилган хусусиятлар таржима жараёнида фонетик, лексик, грамматик, лексик-грамматик, лексик-семантик ва шу каби таржима трансформацияларидан фойдаланишни талаб этади.

Бу таржимада қаерда тил бирликлари (фонема, морфема, сўз, сўз бирикмаси, гап ва матн)да мос келмаслик кузатилса, шу ерда трансформацияни қўллаш талаб этилади. (Баъзи олимлар матнни ҳам тил бирликлари сирасига киритади. Уларнинг асосий далили гап сўз бирикмасига, сўз бирикмаси сўзга, сўз морфемага, морфема эса фонемага бўлингандек матн ҳам гаплардан, сўз бирикмалариадан, сўз ва шу каби бирликлардан ташкил топгани учун уни энг катта тил бирлиги сифатида тан олинади. Бироқ бу фикрни аксарият олимлар қўллаб-қувватламайдилар.)

Энг кенг тарқалган ва энг кўп қўлланиладиган трансформация – сўз тартибининг ўзгариши. Бу трансформация тури таржима жараёнида ҳар қадамда учрайди.

Таржима трансформациялари орасида таржимада трансформацияга асос бўлиб хизмат қиладиган сўз кўшиш, сўзни тушириб қолдириш, умумлаштириш, конкретлаштириш, калькалаш, тасвирий таржима усуллари асос қилиб олинади. Трансформациялар сонининг кам бўлиши тилларнинг бир-бирига яқинлигидан, трансформациялар миқдорининг кўплиги тилларнинг бир-биридан узоқ эканлигидан далолат беради.

Таржима трансформацияларидан тегишли жойда ўринли фойдаланиш таржимашунослик учун муҳим ҳисобланган масала – таржима мазмунини иложи борича тўлиқ сақлашга қаратилган бўлади. Таржима мазмунининг тўлиқ сақланиши унинг муқобиллигини ва пировард натижада унинг сифати юқори бўлишини таъминлайди.

Таржима трансформацияларининг формал қўлланиши таржима сифатини тўлиқ таъминлай олмаслигини алоҳида қайд этиб ўтиш лозим.

Таржима жараёнида тўртта муҳим – асосий ёндашув мавжуд. Уларга лингвистик, маданий, прагматик ҳамда социолингвистик ёндашувлар киради. Таржима жараёнида буларни назарий жиҳатдан ажратиш мумкин. Бироқ амалда буларни бир-биридан ажратиш мумкин эмас, чунки улар бир-бирини

тақозо қилади ва бир-бирини тўлдиришга хизмат қилади. Аслида, юқорида тилга олинган ёндашувларга асосланиб, уларнинг тамойилларини ҳисобга олиш таржиманинг экстралингвистик омилларни белгилаб, таржиманинг адекватлигини таъминлайди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Буранов Дж. Сравнительная типология тюркских и германских языков. – М.: Высшая школа, 1983. – 267 с.
2. Казакова Т.А. Imagery Translation. Практикум по художественному переводу: Учебное пособие. – М., 2003. – 320 с.
3. Ғафуров И., Мўминов О., Қамбаров Н. Таржима назарияси. – Тошкент, 2012.